



ҚОРА ЧИРОҚ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Гўзал Валиева.

Ўзбек халқларнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёти ва турмуш тарзида турли буюмлар асбоб ускуналар ўрин тутди. Шундай буюмлардан бири қора сопол чироқ бўлиб, у қадимги дунёда кенг тарқалган, хусусан Ўрта Осиё, Шарқ мамлакатлари ва Қадимги Рим даврида ишлатилган. Қора сопол чироқлар миллиоддан аввалги 1000 йиллардаёқ пайдо бўлган Археологик топилмаларга кўра бу чироқлар Қадимги Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона водийсида топилган. Қора чироқ нафақат ёруғлик манбаи, балки миллий анъаналар ва ҳунармандчиликнинг муҳим бир қисми ҳисобланади. Сопол қора чироқ бу махсус сополдан тайёрланган устига ёғ қуйилиб, мато ёки пахтадан ясалган пилик орқали ёнадиган анъанавий ёруғлик манбаидир. У одатда қора ёки тўқ рангда бўлади. Шунинг учун қора чироқ деб аталади. Айрим ҳолларда унинг сирти глазур билан ёпилган бўлиши мумкин. Сопол қора чироқлар қадимдан ишлатилган. Улар биринчи навбатда электр тармоғи йўқ пайтида кенг қўлланилган, айниқса қишлоқ жойларида тунги пайтларда кўпроқ ишлатилган, хонадонларни ёритиш, ҳайвонларни боқиш жараёнида муҳим восита вазифасини бажарувчи бўлган. Чироқлар кўпинча маҳаллий кулол ҳунармандлар томонидан тайёрланган ва ҳар бир ҳудудга хос шакл ва безакларга эга бўлган.

Қора чироқ нафақат амалий балки маданий аҳамиятга эга бўлган, миллий ҳунармандчиликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳар бир ҳунарманд ўз услубида безаклар, нақшлар ва рамзлар билан чироқларни ажратади. Қора чироқ одатда қуйидаги қисмлардан иборат бак (идиш) ёғ қуйиладиган қисми, фитил яъни пилик-матодан ёки пахтадан тайёрланадиган ёғни суриб ёнувчи қисмини ташкил этади. Очилувчи оғиз- чироқни ёқиш ва фител яъни пиликни чиқариш учун, фител-пилик ёғга тийилиши орқали ёнувчи муҳит



яратади ва ёруғлик тарқалади. Чироқни ёниши жуда оддий, лекин самарали жараён бўлиб, кўп соатлар ёниши мумкин. Айрим чироқлар диний маросим ва мақсадларда ҳам ишлатилган. Қадимги туркий халқлар орасида мотам маросимларида майитнинг руҳини озод этиш, руҳини тинчлантириш мақсадида қора чироқ ёқиш одати бўлган. Қора чироқ шундай маросимларда масалан қора мотам ҳолатида ишлатилган бўлиши мумкин. Сопол чироқлар халқ оғзаки ижодида кўшиқ ва шеърларда ҳам учрайди.

Қоронғи кечалар ёлғиз қурумсан.

Сополда ёнасан дилда чироқсан.

Бобомнинг кўлида порлаб тургансан.

Қора чироғимсан иззат шанисан.

Убаъзан рамзий маъно касб этади: “Чироқ ёниб турган уйда барака бор” деган халқ орасида гаплар кенг тарқалган. Сопол чироқлар тиниклик, илиқлик, тартиб рамзи сифатида ҳам кўрилади. Қишлоқдаги жуда кўп хонадонларда бундай чироқлар хали ҳам ёдгорлик сифатида сақланади. Ҳар қандай замонавий техника воситалари пайдо бўлмасин, сопол қора чироқлар каби буюмлар ўз аҳамиятини йўқотмайди. Уларни миллий кўرғазмаларда, музейларда куриш мумкин. Жумладан Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи кўрғазмаларида ҳам кўплаб сопол ҳамда металдан ишланган қора чироқларни учратиш мумкин. Уларни томоша қилар экансиз аجدодларимиз яшаган даврлар кўз олдингизда гавдаланади. Шундай дамларда ҳам аجدодларимиз ўзлари учун шароитлар яратиш учун интилганлар ҳамда ҳаракат қилганлар. Ва албатта буни уддалаганлар шундай экан сопол қора чироқлар миллий меросимизнинг ёруғлик рамзи бўлиб қолади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т-Т.; «Санъат» 2001,
2. Қурбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадиий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, .
3. Садикова Н. Ўзбек миллий кийимлари: XIX–XX асрлар.
4. Маликова С.С. Тасвирий санъат тарихи. – Т., 2008.
6. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. – Т.: «Ўқитувчи»